

63.3

Н87

Нурматова. Н

**АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИНИНГ
БАРКАМОЛ АВЛОДНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**



Бухоро 2010

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ОЗИҚ ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

Нурматова Нигора Умаровна

**АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИНИНГ
БАРКАМОЛ АВЛОДНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

Бухоро -- 2010

Рисоланинг асосий мақсади – баркамол авлодни шакллантириш учун мавжуд маънавий асослардан бири - Соҳибкирон Амир Темурининг инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этувчи ҳаёт йўли, ғоялари, ўғитларини таҳлил қилиш, ёшлар онгига етказишдан иборат бўлиб, Амир Темурининг ҳаёт йўли ва маънавий олаmidан лавҳалар, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ўғитларини ўзида акс эттирган. Амир Темури эришган ғалабаларнинг сири ҳам унинг юксак маънавияти билан белгиланади. Соҳибкироннинг маънавий олами бугунги кунда ҳам ёшларни баркамол этиб тарбиялашда ўзига хос долзарб аҳамиятга эга. Мазкур рисола миллий ғоя ва мафкура тарғиботи билан шуғулланувчи мутахассисларга, тадқиқотчиларга, таълим тизимининг турли босқичларида таҳсил олаётган талабаларга ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир :

Доцент

Х. Р. Рўзиев

Тақризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.Н.Наврўзова

Тарих фанлари номзоди

Т.Т.Сафаров



Кириш

**Инсоф - иймон туйғуси, диёнат мезони
Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил
этади. Оламнинг қарийб ярмига ҳукмронлик
қилган жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик,
зўравонликда эмас, аксинча адолатда эканини
теран англади.**

Ислом Каримов

Бугун юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мақсад-муддаоиси авваламбор, инсон манфаатлари билан боғлиқ экан, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонун устуворлигини таъминлаш, ялпи маънавий тикланиш жараёнлари, фуқаролик жамияти ва қомил инсонларни вояга етказиш, биринчи навбатда, миллий ўзликни англаш жараёнини қучайтириш қўп жиҳатдан таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг қай даражада муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда буюк аждодларимиз асослаб берган илмий, миллий тафаккур анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида алоҳида уқтиргани каби, “Тарихий қадриятлар, урф – одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб қилиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди”¹.

Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айни вақтда мустақил давлатимизда амалга оширилаётган барча янгиликлар ҳам инсон келажаги учун хизмат қилиши кўзда тутилган. Замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик – таълим – тарбия жараёнида миллий мероснинг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини англатади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда буюк аждодларимиз, алломаю мутафаккирларнинг асрлар давомида яратган сиёсий, ҳуқуқий онг, маънавий, ахлоқий ўғитлар, билим ва миллий қадриятларга бой маънавий мероснинг ёш авлодни қомиллик руҳида тарбиялашдаги ўрни бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Буюк аждодларимизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида тўхталиш жоиздир. “Чунки , тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу сиймо

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 81-бет.

буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.”² “Шахсан мен, дейди Ислон Каримов, - “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худди ўзимга қандайдир руҳий қуч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор – такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига қўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, “Тажрибамда қўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён”³.

Дарҳақиқат, Амир Темурнинг инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этувчи ғоялари, ўғитлари диққатга сазовордир. Мазкур қўлланмада Амир Темурнинг ҳаёт йўли ва маънавий олаmidан лавҳалар, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ўғитлари ўз ифодасини топади. Амир Темур эришган ғалабаларнинг сири ҳам унинг юксак маънавияти билан белгиланади. Соҳибқироннинг маънавий олами бугунги кунда ҳам ёшларни баркамол этиб тарбиялашда ўзига хос долзарб аҳамиятга эга.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. 44-бет.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. 45-бет.

Темур маънавияти – улкан манба ва туганмас булоқ

Маънавий илдиэларимиздан бири – бу Сохибқирон Амир Темур маънавиятидир. Бу қудратли манба инсоният тарихида тенги йўқ маркаэлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларида ўрганилиб, ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз фақат ҳозирги кунга келгандагина бу маънавиятни нақадаг зарур эканлигини ва буюқ келажак сари қадам ташлаётган халқимиз учун ниҳоятда қадрли эканлигини англамоқдамиз.

Амир Темур инсонни қадрлай оладиган ва уни фарқлай оладиган укан арбоб эди. Мусулмончиликда «Енг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан ҳам яхшилик қилади» деган ҳикматли ибора бор. Амир Темур дўстига ҳам, душманига ҳам худди ана шундай икки қўли билан яхшилик қилди. Қолганларни ҳам шунга ундади. «Тузуқот»да ҳам, тарихий асарларнинг муаллифлари ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий асарларида ҳам, Гонзалес де Клавихо кундалигида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Темур ўз фаолияти давомида Оллох буюрган олий инсоний фазилатларга астойдил амал қилди. Темур ўз фарзандларига қилган васиятда шундай дейди: «...Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ ваэифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни зангинлар (бойлар)га ташламанг. Адолат ва яхшилик қилмоқ дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин». Адолатни шунчалик қадрлаган ҳукмдор албатта халқ орасида қатта обрў-эътиборга эга бўлиши табиий ҳол эди.

Темурнинг «Куч-адолатда» деган сўзи ҳақиқатда шиорга айланиб, ҳамма даврлар учун жаранглаб турувчи ибора тусини олгани шохиди бўлишимиз мумкин. Темур халқнинг шикоятлари ва арэларини ўрганувчи махсус арэбеги лавозимини жорий қилган. Арэбеги шикоят, арэзаларни кўриб чиқар, уларда кимлар айбдорлигини аниқлар ва бу хусусда кенгашига ҳабар қилар эди. Айбдорлар ким бўлушидан қатъий назар қаттиқ жазоланган. Солиқлар, молиявий масалаларда қатъий тартиб-қоида ўрнатилган. Рус шарқшуноси Д.Н.Логофет бу хусусда шундай деб ёзади: «...биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарсани унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди».

Мустақиллик йилларида буюқ сохибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил «Амир Темур йили»

деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзuida анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди. Мамлакатимизда «Темур ва темурийлар» музейи, Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо этилди.

Темур маънавияти – улкан манба ва туганмас бир булоқдир. Ҳозирги мустақилликка эришган давримизда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда бу манбанинг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Амир Темур таваллудининг 660-йилликлари ва кейинги вақтдаги қатор чиқишларида бу манбанинг аҳамияти такрор ва такрор қайд этилмоқда. Темур маънавиятининг бизга ўргатувчи, сабоқ бўлгувчи жойлари жуда кўпдир. Зеро у маънавият бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий бойлигининг бир бўлаги бўлиб юртимиз равнақи ва порлоқ келажаги учун ҳамиша хизмат қилажақдир.

Амир Темурнинг ҳаёт йўли

Амир Темур Қўрагон ибн амир Тарағай 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтлардаги Кеш (Шахрисабз)га қарашли Хожайлғор (бу қишлоқ ҳозир Яккабоғ туманига қарайди) қишлоғида таваллуд топди. Отаси Амир Тарағай ўзига тўқ бадавлат киши эди. Лекин бўлажақ соҳибқирон таваллуд топган пайтда Қозонхон (1333-1346) ҳузурида кичик бир мансабга эга эди. Амирнинг онаси Тегина Бегим бухоролик “Саъдр аш шаъриъа-шариат” улуғи таникли олим Убайдуллоҳнинг қизи бўлган. Ўша пайтда Кеш ва унга тобе ерларнинг беклиги эса Амир Тарағайнинг отаси Ҳожи Барлоснинг қўлида эди.

“Зубдат ат -таворих” (Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид-лақаби Хофиз Абду, вафоти 830/1427 й.) да ёзилишича, Соҳибқироннинг бобоси Буркул нўёндир. Унинг икки ўғли бўлган: бири – Болта, иккинчиси Тарағай нўён, яъни Амир Темурнинг отаси. Тарағай нўённинг тўрт ўғли ва икки қизи бор эди: ўғиллари-Амир Темур, Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўғи нўён, қизлари-Қутлуг Туркон оға, Шербик оға. Амир Темур фарзандлар орасида тўнғичи бўлган. Амур Темур ёшлиқдан илм аҳлига жуда катта эътибор берган.

У тарихлар, ҳикоятлар, қиссалар ва ривоятлар тингламоққа майли кўп адабиёт, санъатни, ҳарбий ишларни жон-дилдан севган, ўта зукко, оқилу доно, фаҳм-фаросатли, айни чоғда довлорак, жасур бўлган. Аммо, Темурнинг ёшлиқ ва ўсмирлик, йигитлик йиллари Чигатой улуси оғир ижтимоий-сиёсий бўҳрон исқанжасига тушиб қолган даврларга тўғри

келди. Улус ичидаги нотинчлик Қозонхон даврига келиб ўзаро феодал урушларнинг авж олиб кетишига олиб келди. Ҳокимият учун кураш, айниқса, хон билан унинг бош амири (амир ул-умароси) Қазагон ўртасида кучли бўлди. Ўзаро нифок ва келишмовчилик урушга айланди.

Амир Қазагон анча кучли қўшинга эга эди. Унинг ўғли Абдуллоҳ ҳам ён-атрофдаги ўлкаларга ҳужум қилиб, ўз мулкини кенгайтиришга интилар эди. Жумладан, у 1353 йилда Хоразмни босиб олиб, у ерда ўз ҳукмини жорий этади. 1357 йилга келиб, иккинчи мўғул амири Қутлуғ Темур Булдай амир Қазагонни ясоққа етказди. Амир Қазагон ўрнига тахтга чиққан амир Абдуллоҳ саройида фиску фужур зўрайди. Натижада мўғул ҳокимлари фақат ҳокимият, тахт талашибгина қолмай, ишратпарастлик, маишатпарастлик бобида ҳам юз тубан кета бошлайдилар.

Мўғул феодалларининг ўзаро низолари ва ишратпарастликларини кўриб, билиб турган туркий халқларнинг нуфузли вакиллари жим туролмас эдилар, албатта. Улар ҳам аста-секин сиёсий курашларга аралаша бошладилар. 1358 йилда амир Абдуллоҳ ибн Қазагонга қарши кураш бошлаган мўғул амири Баён Сулдуз ёнида туркий аҳолининг етакчиларидан бири амир Ҳожи Барлос ҳам бўлганлиги бунинг далили-исботидир.

Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг ҳокими Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос эди. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Ҳожи Барлос мўғулларга қарши курашиш учун қулай имкониятларни қўлдан бермаган. Унинг Баён Сулдуз билан бирлашиб қилган жангида Абдуллоҳ ибн Қазагон енгилади.

Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлоснинг Шаҳрисабз ва Қарши ҳокимлигини қўлга киритиши 1358 йилларга тўғри келади. Аммо бу унчалик узокқа бормади. Мустақиллик даъво қилаётган барлосларни тийиб қўйиш учун Шарқий Туркистон хони Тўқлуғ Темур катта қўшин билан бостириб кела бошлайди. Ҳожи Барлос бундан кўркиб, Хуросонга қочади. Уни Амударё бўйигача кузатиб қўйганлар орасида амир Темур ҳам бор эди. Аммо у ўзига содик кишилар билан изига қайтади. Темур ибн Тарағай биринчи бор ана шу оғир вазиятда синовдан ўтади.

Ҳожи Барлос Хуросонга кетган, юрт эгасиз қолган пайтда Амир Темур Шаҳрисабз ҳокимиятини ўз қўлига олади. Бу жасурлик ва ватанпарварлик, юртсеварликнинг тимсоли эди, албатта. Дарҳақиқат, ориятни қўлдан бермаслик, оғир пайтда мардлик кўрсатиш, ҳар қандай қўшиндан тап тортмаслик унинг учун иймон-эътиқодга айланади.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тахтини расман қўлга олиш йили сифатида 1370 йил қайд этилади ва бу муваффақият Балхда юз берганлиги айтилади. Ҳақиқатда ҳам амир Ҳусайн ибн Мусаллабни енгиб, қўли баланд келган Амир Темур жами акобирлар, қўшин бошликлари томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинган

эди. Демак, сохибкIRON УТТИЗ ТҮРТ, УТТИЗ беш ёшида тахтга чиқишга эришган.

Фосих Ҳавофий ўзининг "Мужмал-и Фосихий" асарида: Амир Темурнинг 1336-1387 йиллардан тортиб 1404-1405 йилларгача бўлган ҳаёт йўли асосий саналарини келтиради. Дарҳақиқат, буюк сохибкIRON хусусан 1370 йилдан то 1404 йилга қадар 30 марта қўшин тортган, ҳамма вақт қўли баланд келиб, 27 дан ортиқ мамлакат ва элатларни забт этган. Ҳа, улуг бобомизнинг бутун умри от устида, ур-сурлару курашларда кечган. У умри давомида яхшилик, эзгуликдан чекинмади, мардларни улуглади, хонларни, золимларни кечирмади, улусга зулм қилувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолади, ватан хонларидан нафратланди.

"Амир Темур ўғитлари" рисоласида ҳаққоний таъкидланганидек, Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя катта. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туги остида бирлаштира олди. Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Султон Боязидни (1389-1402) тор-мор келтириб (1402), Усмонли туркларнинг истибдодига тушиб қолган "Болкон " ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни (1376-1395) икки марта (1391-1395) тор-мор келтириб, Ўрусиянинг мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишини қарийиб 300 йилга тезлаштирди. Учинчидан, Туркистон заминини ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди. Амир Темурнинг саъй – ҳаракати билан обод этилган шаҳарлар, қасабалар, қишлоқларни Шаҳрисабз, Бухоро, Ясси(Туркистон) шаҳарларда қад қўтарган иморатлар, "Темур ва Темурийлар давлати", "Темурий маданияти", "Улугбек ва Самарқанд", "Обсeватория мактаби" каби улуг тушунчаларни дунёга қилиши ва дунё халқлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

Даставвал шуни айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбияда ўзи юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд – насиҳатларни, шунингдек, СохибкIRON ҳақидаги тарихий асарларни қўздан кечириш қифоя. Булар "Тузуки Темурий"("Темур тузуклари"), "Малфузоти Темурий"("Темурнинг айтганлари")ва "Воқиоти Темурий" ("Темурнинг бошидан кечирганлари") номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларни, XV аср муаррихи Фосих Аҳмад Ҳавофийнинг "Мужмал-и Фосихий", Низомуддин Шомий (тутилган ва вафот этган йили маълум

эмас) ва Шарафиддин Али Яздийларнинг машхур "Зафарнома"си, ибн Арабшоҳ(1389-1450)нинг "Ажойиб улмақдур фи ахбори Темур" (Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари), Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин ҳожа Эшоннинг (Салоҳиддин Тошкандий) қаламига мансуб "Темурнома"(Амир Темур кўрагон жангномаси, 1908) кабилар шулар жумласидан.

Жумладан, «Темур тузуқлари» буюк жаҳонгир ҳаётига ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида шубҳасиз алоҳида аҳамият касб этади. «Темур тузуқлари» жаҳоннинг машхур кутубхоналаридан жой олган қимматли асардир.

«Темур тузуқлари» икки қисм, 56 та банддан иборат тарихий ва ҳуқуқий асар бўлиб, унда Соҳибкироннинг давлат тузилиши ва мамлакатни бошқариш хусусидаги нуқтаи назари баён қилинади. Бу асардан кўплаб шарҳ ҳукмдорлари, ўзларининг фаолиятлари давомида фойдаланганлар ва унга юқори баҳо берганлар. Жумладан, Шох Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) «Тузуқот»дан парчалар кўчиртириб, улардан ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

«Тузуқлар»нинг биринчи қисмида Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 йил 18 феврал) кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқокликка барҳам бериши ва марказий давлат тузиши, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, эрон ва Афғонистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон (1376-1395), турк султони Боязид Йилдирим (1389-1402)га қарши ва ниҳоят буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Гуржистон ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисми Соҳибкироннинг номидан айтилган ва унинг тожутахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панду-насихатларидан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда қимларга таяниш, тожутахт эгаларининг бурчи ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлигини сайлаш, сипохийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожутахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради.

Амир Темур ўз олдига улуг давлатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини кадимий тажрибалардан ижобий фойдаланган ҳолда тузиш, ҳарбий сиёсатни замон талаби асосида тобора такомиллаштириб, мўғул истилоси асоратларини тезроқ бартараф этиб, ҳунармандчиликни оёкка турғизиш, савдо-сотиқ, ҳунармандчиликни бир меъёрга тушириш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ислом динига ривож бериш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг қўламда жадаллаштириш каби долзарб ҷазифаларни қўйган эди. Унинг бундай саъй-ҳаракатлари катта куч-ғайрат, маблаг, билим ва оқилона тадбирларни талаб этар эди. Темур етук сиёсатдан ва мохир давлат арбоби бўлиб, у ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқли равишда, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ёки икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянади.

Иймон-эътиқодда баркамол сиймо

Амир Темур ва темурийлар яшаган даврда ҷамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида диний тафаккур муҳим аҳамият касб этган. А. Якубовский таъкидлаганидек, ҳукмдорлар, хусусан Амир Темур, «туркий ҳарбий эодагонларнинг ёрқин намоёндаси бўлиб, бу доира ислом (мусулмон) такводрлигига мудом мансублигини кўрсатади. Энг аввало, сиёсатдон сифатида Амир Темур барча ҳолатларда давлат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар доим мусулмон руҳонийларининг барча намоёндалари билан ўта дўстона муносабатлар ўрнатган эди»⁴ Амир Темурнинг отаси Тарағай Баходур исломда такводор бўлиб, руҳоний ва дарвешларга, айниқса таникли шайх Шамсуддин Кулолға нисбатан ниҳоятда ҳайрихоҳлик кўр-сатарди. Ушбу шайхни Шарафуддин Али Яздий ўз «Зафарнома» асарида худди шундай атаса, Ибн Арабшоҳ Шамсуддин ал-Фохурий деб атаган.

Амир Темур дин пешволари ва мусулмон руҳонийлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, ўз са-ройида пиру муршидлар, руҳоний (маънавий) устозларни саклаган. У ҳар вақт шарият қонун-қоидаларига қатъий риоя этган. Ибн Арабшоҳ шундай ҳикоя қилади: «Темур шайх (Шамсуддин ал-Фохурий)нинг ҳузурига кирганида у ўзининг муриду мухлислари билан чуқур ўйга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар зикр-самоларидан тўхтаб, ўзларига келгунларича, Амир Темур тик тураверди. Шайхнинг назари унга тушиши билан Темур шайхнинг қўлларини ўпишга шошилди... Шунда шайх ўз ҷамоасига: «Эй, ҷамоат! Сиз унинг ҳаққига дуо қилиб, истаган муродиға етиши учун унга мадад берингиз»,⁵— деди.

⁴ Амир Темур ҷаҳон тарихида. Париж. 1996 йил. 69 – бет.

⁵ Уша жойда

Шайхнинг ушбу дуосини Амир Темур ўз муваффақиятларининг энг биринчи сабаби деб ҳисоблади».

Амир Темур пирларидан бири Саййид Барака эди. Саййид Барака асли Макка аҳлидан бўлиб, 1370 йилда Балх қалъаси эгалланишидан олдин Амир Темур ҳузурига келиб, унга бир ноғора ва байроқ (хокимлик белгилари) тутказган⁶. Ва унинг келажаги порлок бўлишини башорат қилган.

Айтиш лозимки, сиёсий мартабасининг аввалидан бошлаб Амир Темур битан мусулмон руҳонийлари ўртасида мустақкам алоқа қарор топиб, бу алоқа унинг бутун ҳукмдорлиги даврида давом этди. Балх қалъаси ишғол этилаётган вақтда Термиз шаҳридан Амир Темур ҳузурига Худовандзода лақабини олган термизлик шайхлар ака-ука Абул-Маолий ва Али Акбар келгандилар. Саййид Баракага ўхшаб бу шайхлар, гарчанд зоҳиран бўлса-да, Амир Темур давлатининг нуфузли шахслари сифатида Соҳибкирон ҳукмронлигининг охиригача фаолият кўрсатдилар.

Бироқ В. В. Бартольд таъкидлаганидек, шундай лахзалар ҳам бўлганки, бу шайхлар янги ҳукмдорларига (яъни Амир Темурга) нисбатан хиёнатқорона иш содир этганлар. Чунончи, 1371 йилда Амир Темурга қарши фитна уюштирилиб, унда бир канча амирлар каторида баъзи руҳонийлар, жумладан, шайх Абу-л-Лайс ас-Самарқандий ва Саййид Абул-Маолий ат-Термизий ҳам иштирок этгандилар.

Амир Темур фитначиларга ўта қўнғилчанлик кўрсатади: шайх ас-Самарқандийга Маккага кетишга рухсат қилинади, Саййид ат-Термизий эса аввал мамлакатдан қувғин қилинган бўлса-да, сўнгра тез орада айби кечирилади, чунки 1372 йили Хоразмга қилинган юриш пайтида бу саййид ҳам қатнашган эди. Шундан кейин ҳар доим термизлик саййидлар Амир Темурнинг содик тарафдорларидан бўлиб қолгандилар. 1404 йили Ғарбга қилган охирги юришидан қайтаётиб, Амир Темур Термизда Худовандзода Али хонадонида тўхташи ҳам шундан далолат беради.

Рухоният намояндалари ва таникли илоҳиётчилар зиммасига Амир Темур ҳокимияти даврида масъулиятли вазифалар ҳам юкланарди. Амир Темур ўз давлати билан Миср мамлуклар султонлари ўртасида яхши қўшничилик алоқалари ўрнатишга кўп саъй-ҳаракат қилди.

1386 йилдан 1405 йилгача бўлган вақт мобайнида Амир Темур билан Миср султонлари Барқук ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта элчилар ва мактублар алмашилди. масалан, 1393 йил октябрида Амир Темур Қоҳирага ўша даврда Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган аъёнларидан бири шайх Сувах бошчилигида кўпдан-кўп қимматбаҳо совғалар ва султон Барқукка мактуб билан эътиборли миссия юборган эди.

⁶ Уша жойла.

Юкорида зикр қилганимиз Саййид Барака ўз дуоси билан Амир Темурнинг ғанимларига қарши курашида уни қўллаб-қувватлаган эди. Масалан, 1391 йилда Қундузчада бўлган йирик жанг олдидан Саййид Барака дуо қилиб, омад тилгани учун Амир Темур ундан гоятда мамнун бўлган эди.

Манбаларда 1404 йил кишида Қорабоғда Амир Темур ҳузурига Саййид Барака ва термизлик шайхлардан самарқандлик шайхулисомлар Хожа Абд ал-Аввал ва унинг амакиваччаси Хожа Исомиддин, кешлик Хожа Афзал ва шайхулисомнинг ўғиллари Абдухамид ва Абдурахмон келганликлари айтилади. Шунингдек, бухоролик шайхлар ҳам ҳозир бўлганликлари ҳақида фикр билдирилса-да, лекин улардан бирортасининг исми-шарифи келтирилмади. Машҳур шайх Баҳоуддин Накшбанд Амир Темурга замондош бўлган эсада, ҳозирча манбаларда Амир Темур саройи билан Бухоро шайхлари уртасидаги алоқалар ҳусусида аниқ маълумотлар учрамади.

Амир Темур ҳар қандай қолатда ҳам руҳоний намояндаларига ҳар вақт хайрихоҳлик билан муносабатда бўлган. Ҳатто забт этилган мамлакатларда ҳам руҳоний раҳбарлар ҳимоя остига олиниб, қўпинча улар шахсан Амир Темур ҳузурига келтирилган — у эса уламою фузало билан мунозара юритишни ёқтирарди. Жумладан, у илоҳиётчи уламолар, файласуфлар, тарихнавислар, мунажжиму риёзиёт илми олимлари билан мунозара қиларди. У олимларни ўзи билан шундай мунозараларда бе-малол эмин-эркин суҳбат юритишга рағбатлантирарди. Агар улар Амир Те-мурда қатта таассурот қолдирсалар, уларни ўз саройига ёки Самарқандга хизматга тақлиф қилар экан, ўз мамлакатларида қолишларига бағрикенглик билан руҳсат этарди.

Амир Темур талабига итоат билдирмаган Бағдод шахри ишғол қилинганда, қайсарлик билдирганликлари учун шаҳар аҳли қаттиқ жазога тортилганда ҳам «факат диний арбоблар жазодан қутулиб қолдилар», деб ёзади суриялик замонавий ҳарбий тадқиқотчи Муҳаммад Асадуллоҳ Сафеъ ўзининг Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китобида.

Соҳибқирон доимо азиз-авлиёларнинг ҳурматиани бажо келтириб, улар хотирасига алоҳида эҳтиром билан қарарди. Масалан, суриялик олим Акрам Ҳасан ал-Алабийнинг ёзишича, Дамашқда турганида Амир Темур Муҳаммад пайғамбарнинг хотинлари Умм Салама ва Умм Ҳабибанинг макбаралари устига муносиб гўмбазлар қурдирган (98). Бошқа бир араб муаллифи Маз-ҳар Шихобнинг таъкидлашича, Дамашққа келган биринчи қуниёк Амир Темур, энг аввал, уммавийларнинг машҳур Жомеъ (ал-Жомеъ ал-Уммавий)сини зиёрат қилиб, унда намоз ўқиган.

Шунингдек, Дамашқда Амир Темур саҳоба Билол ал-Ҳабашийнинг ҳам қабрини зиёрат қилиб, дуои-фотиҳалар ўқиган. «Зафарнома»да келтирилишича, Амир Темур Ясса шаҳрида Аҳмад Яссавий қабрини қўп зиёрат қилган. Амир Темурнинг фармонида қўра, бу табаррук шайхнинг қабри устида улкан макбара бунёд этилган.

Азиз-авлиёларнинг мазорларини ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш Соҳибқирон учун қатъий одат бўлиб, у ҳар қачон, ҳатто ҳарбий юришлари пайтида ҳам бу одатга қаттиқ риоя қиларди. Шунингдек, азиз-авлиёларнинг мазорлари жойлашган шаҳарларга у зоти покларнинг руҳларига ҳурмат юзасидан зиён-заҳмат етишига йўл қўймасди.

Масалан, Амир Темур ўз ҳарбий бошлиқлари ва қўшинларига Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, мусулмонларнинг йирик қарбий қўмондони Ҳолид ибн Валиднинг қабри жойлашган Ҳўмс шаҳрига заҳмат етказмасликни буюрган.

Амир Темурнинг азиз-авлиёларга, дини исломнинг ҳомийларига, уларнинг мазорларига муносабати «Темур тузуклари» да батафсил баён қилинган: «Мен шундай талаб қўйдимки, пайғамбарнинг авлодлари, уламолар, машойих, фузало, ақибир ва ашрофларни азиз тутсинлар...

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни ғилам, таом ва чирок билан таъминласинлар. Биринчи навбатда, амир ул-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг — унга Аллоҳнинг қарами ва эҳсони бўлсин — муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф билан Хуллани вақф этиб берсинлар.

Имом Ҳусайннинг — Аллоҳ ундан рози бўлсин — нурга чўмган мазори, авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг муқаддас қабри (равзаси), имоми аъзам Абу Ханифанинг — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин — мақбарасини ва Бағдодда нурга чўмган бошқа машойихлар, дин пешволари ва ақибирларидан ҳар бирининг мазорларини яхши сақлаш учун баҳоли қудрат Қарбало, Бағдод ва улар атрофидаги қишлоқлар ва бошқа ерлар вақфдан маблағ ажратсинлар.

Имом Мусо Қозим, имом Муҳаммад Тақи, Салмон Форсийларнинг нурли равзалари учун эса Жазоир экин майдонларидан ва Мадонин даромадидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусонинг табаррук мазори учун Кутах баст ва Тус шаҳри атрофидаги ерларидан вақф ажратсинлар ва ғилам, чирок ҳамда қундалик ейиш-ичишини белгиласинлар, шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мазорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида номма-ном назру вақфлар ажратсинлар».

Маълумки, Амир Темур уламою фузалога ҳурмат-эътибор билан қараб, уларнинг фикрини инобатга оларди, турли мавзуларда улар билан мунозаралар қиларди.

Машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдун (1332—1406) Амир Темур қўшинлари томонидан муҳосарада бўлган Дамашққа келиб қолган эди. Шу аснода у Амир Темур томонидан қабул қилинади ва икки буюқ инсон ўртасида узок ва мароқли суҳбат бўлиб ўтади. Учрашув чоғида машҳур тарихчи Соҳибқирон ҳазратларига Қуръони қаримнинг гузал бир нусхасини ҳадя қилганда Амир Темур шошилинич ўрнидан туриб, муқаддас китобни ўпиб бошига қўйган.

Қатор манбаларда келтирилишича, Амир Темури юлдузларга қараб фол очишда астрология таълимотини тан олмай, фақат Қуръони каримга асосланиб фол очишни афзал кўрган. Шуниси диққатга сазоворки, бошқа давлатлар, айниқса мусулмон давлатлари бошликларига йўллаган мактубларида Амир Темури Қуръон оятларидан кўп фойдаланарди. Масалан, 1393 йили Миср султони Барқукка жўнатган иккинчи мактубида Соҳибқирон тегишли ўринларда етти марта муқаддас китобдан оятлар келтириб, ўз фикрини ифода қилган.

Амир Темури шариаат арконларини мустаҳкамлаш, дини ислом қонун-қоидаларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор берар эди. Шариаат қонун-қоидаларига ҳилоф иш қилганлар қаттиқ жазоланган. Адолат ва қонунларга амал қилиш Амир Темури фаолиятининг таркибий асосларидан эди. Дини исломни ёйишга у бутун қуч-қувватини сарфлади. Шу боисдан ҳам баъзи номусулмон давлатларга (масалан, Ғуржистон, Арманистон, Ҳиндистон) бўлган юришларини, аввало, у ўша мамлакатларда ислом динини ёйиш (жорий қилиш), у жойларда мусулмонларга қўрсатилаётган жабр-зулмни бартараф қилиш билан изоҳлаган эди.

Ёзма манбаларда, тарихий асарларда келтирилган талай маълумотлар шунини қўрсатадики, Мовароуннаҳр ва Ҳуросондан Маккаи муқаррамага ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан ўтадиган жойларда йўлтусар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чеққанлар, шунингдек бу қароқчи ва йўлтусарлардан нафақат марказий осийлик тижорат аҳли ва савдо қарвонлари, балки маҳаллий савдогарлар ҳам кўп жабр-зулм кўрардилар. Шу боисдан ҳам Амир Темури Бағдодда турган пайтида маҳаллий савдогарлар нажот излаб Соҳибқиронга муқожаат қилдилар. Соҳибқирон тезда бу борада тегишли ишларни амалга ошириб қароқчи ва йўлтусарларни бартараф қилди ва Ироқ йўлларидаги ҳавф-хатарлар тугатилиб, осойишталик таъминланди. Бу борада диққатга молик аниқ маълумотлар Миср тарихчиси Муҳиддин Абдулқодир ал-Қурайшийнинг «Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-Ҳанафийя» («Ҳанафийя табақалари ҳусусида порлоқ жавоҳирлар») номи асарида келтирилган.

Тарихчининг ёзишича, Маккаи муқаррамани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этиб ватанларига қайтаётган марказий осийлик ҳожилар қарвонига Ироқ ҳудудларида қароқчилар ҳужум қилиб, улардан етмиш нафарини ўлдириб, мол-мулкларини талон-торож қилганлар. Ўлдирилганлар орасида қўллаб ўламою фузало, шу жумладан машҳур аллома Нажмиддин ан-Насафийнинг ўғли, ҳадис ва фикҳ бўйича етук олим Аҳмад ан-Насафий ҳам бўлган. Марказий осийлик ҳожиларнинг муқдҳиш бу қиргинбароти ҳақида йирик араб тарихчиси Ибн ал-Асир ҳам ғоятда таассуф билан ёзиб, ушбу қабих қирпичок вақтида шафқатсиз ўлдирилган таникли ўламою фузалоларнинг хотирасига Мовароуннаҳр

ва Хуросоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида аза очиб, мотам тутилганлигини таъкидлайди.

Мавриди келганда шуни айтиш керакки, чамаси, умрининг охириларида, хусусан турк султони Йилдирим Боязид устидан қозонган ғалабасидан кейин Амир Темур Маккаи мукаррамани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этишни иродат қилганлар. Ҳар ҳолда, ўша давр воқеаларидан яхши хабардор бўлган XV аср миср тарихчиси Ибн Тағрибердиннинг ёзишича, 1404 йилда Соҳибқироннинг Маккаи мукаррама зиёратига келиши ҳақида муқаддас шаҳарда хабар тарқалган. Макка амири Турон мамлакати соҳибини муносиб равишда қутиб олишга ҳозирлик қўрган. Лекин номаълум сабабларга қўра Соҳибқироннинг ушбу зиёрати амалга ошмай қолган.

Араб олими Мазҳар Шихобнинг таъкидлашича, Дамашк муҳосараси пайтида шаҳар қалъасида муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага тегишли бўлган вақф ерларидан йигиб олинган ғалла ҳосили беркитиб қуйилганлиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳақдаги хабар Амир Темур қулогига етгач, у ушбу ғаллани дарҳол соттириб, тушган маблағни Макка ва Мадина шаҳарлари амирлари ихтиёрига юборади. Дамашкдан, шунингдек, Ал-Қуддуси шарифга ҳам Соҳибқирон номидан қимматбаҳо совғалар жўнатилади.

Амир Темур ва унинг авлодлари — Темурийлар саройларида хилма-хил мавзулардаги китоблар ва нодир қўлёзмалар сақланадиган бой кутубхоналар — «Дор ул-кутуб» («Китоблар уйлари») фаолият кўрсатарди. Ҳукмдорлар ушбу билим хазиналарини муттасил янги қўлёзмалар билан бойитиб бориш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, шу мақсад учун керакли маблағ ажратардилар.

Далилларга мурожаат қилайлик. Мисрлик йирик олим Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372—1449) кўпдан-кўп тарихий асарларнинг муаллифи сифатида машҳур, шунингдек унинг бой ва кенг қамровли илмий фаолиятида диний йўналишдаги ўзига хос қимматли асарлар ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Мана шу асарлари жумласидан ал-Асқалонийнинг буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-Саҳийх» («Ишончли тўплам») асари шарҳига бағишланган ўн уч жилддан иборат «Фатҳ ал-борий би-шарҳи Саҳийх ал-Бухорий» йирик асари ҳам бор. Бу «Саҳийх ал-Бухорий»га бағишланган энг яхши шарҳ ҳисобланади. Ушбу қимматли шарҳ тез орада бутун мусулмон оламида шухрат топди. Кўп султонлару подшоҳлар ўз кутубхоналари учун ал-Асқалоний шарҳини топиб келтиришга ҳаракат қилдилар. Шохрух Мирзо ҳам Қоҳирага ўз уламоларини юбориб, ушбу шарҳдан бир неча нусхасини ўз кутубхонаси учун олиб келтирди. Шуни айтиш ҳам керакки, Амир Темур ҳукмронлиги даврида фатҳ этилган айрим мамлакатлардан олиму уламолар билан бир қаторда Самарқандга қимматли муҳим китоблар ҳам келтирилган.

Амир Темур ислом дини ва унинг қонун-қондаларининг оташин ҳомийси сифатида ўз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор билан қаради. Бу фикрни ўз "Тузуқлар"ида батафсил баён этган.

Амир Темурнинг ўзи амал қилган сифатлар.

Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмад Темурнинг ўзи амал қилган ўн бир сифатни юксак баҳолайди.

Биринчи сифат: "Мен сифатларимнинг энг аввали деб бегаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил : **жиддий ва одил қарадим**, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, **бойни камбағалдан устун қўймадим**".

Иккинчи сифат: "Мен ҳар доим **Исломга қатъий риоя қилдим** ва Аллоҳ Таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим".

Учинчи сифат: "Мен камбағалларга **кўп хайр-эҳсон қилдим**. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим".

Тўртинчи сифат: "Ҳалойикка раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сураб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги парвардигорнинг Аллоҳнинг амрига буйсуниш ва халқига шафқат қилиш даркор, деган оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим".

Бешинчи сифат: "Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал тангри итоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим".

Олтинчи сифат: "Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим".

Еттинчи сифат : "Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим".

Саккизинчи сифат : "Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигорнинг ёки унинг ноибларининг изнисиз уни сарф этмадим. Тангрининг иродасисиз унинг бандаларининг ҳеч бирига зарар етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрия қилишга интилдим. Мен ҳеч қачон бировнинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва шунингдек ҳеч қачон кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилмадим. **Ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамадим**. Бу борада Амир Ҳусайн билан бўлган воқеа менга ибратли бўлди. Ўз

фукарларининг мол-мулкига нисбатан очқўзлиги провардида уни халокатга олиб келди”.

Тўққизинчи сифат : “Мен ҳар доим тангримнинг амрини ва унинг пайғамбарларини ҳадисларини тўла адо этишга интилдим. Барча қилмишларимда шариат йўсинларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбар ва унинг саҳобаларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим”.

Ўнинчи сифат : “Мен ҳар доим инсоф байрогини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюқлигимнинг қудратли замини деб билдим. Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган қудрат буюқ бўлади”

Ўн биринчи сифат: “Мен доим саидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларга чақирардим. Уларни дин масаласи юзасидан айтганларини диққат билан тинглаб олардим ва унга амал қилардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди”.

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг қучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз ҳазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз. Бу ўз навбатида барқамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Амир Темурнинг одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ўғитларидан намуналар

...Бизким мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг энг қадимий ва энг улуғи Туркнинг Бош бўғини бўламиз.

...Салтанат ишларида турт нарсага амал қилгин, яъни:

- 1.Кенгаш.
- 2.Машварату маслаҳат.
- 3.Қатъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик.
- 4.Эҳтиёткорлик.

Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жохил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва наҳват келтиради. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату-маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юритган, токи оқибатда наҳват чекиб, пушаймон бўлмайсан. Шуни ҳам билишинг керакки, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса билиб билмасликка, қўриб қўрмасликка солиш билан битур. Хуллас, бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг (шуни таъкидлаш лозимки қатъийлик, сабр, чидамлилик соғлиғу сергақлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилуру.

↓ Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилуру.

↓ Ишбилармонлик, мардлик ва шижоат соҳиби, азим қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

↓ Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам акли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

↓ Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй.

↓ Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

↓ Ёрга етур сабо, ким макр қилмишдир манға,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анға.

↓ Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

↓ Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

↓ Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.



↓ Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

↓ Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, холимни танг айламасин деб.

↓ Давлатларининг таназзулига учрашлари сабабаларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сакландим. Наслни бузувчи, счарчилик ва вабо касалини келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сакланишни ўзимга лозим билдим.

↓ Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, уруғларни оға каторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим.

↓ Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашраф – улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

↓

↓ Ҳокимлар сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

↓ Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

↓ Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

✚ Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақола қуришни,
мусофир йўловчилар учун йўл устига Работлар бино қилишни, дарёлар
устига қўприклар қуришни буюрдим.

✚ Мусулмон диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва
ислом дини илмлари: Тафсир, Ҳадис, Фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар
бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

✚ Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

✚ Яхшини ёмон кунда сина.

✚ Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.

✚ Эл тупурса қўл бўлур.

✚ Қўркмасанг - ёв қочар .

✚ Қўлига қилич олган баҳона кидирмайди.

✚ Той минган - от ҳам минади.

✚ Туя минган одам қўй орасига беркинмас.

✚ Ботирлик - қалъа олади.

✚ Ботир жангда билинар,
Доно машваратда.

✚ Бирликсиз куч бўлмас.

✚ Бир кинга икки қилич сиғмас.

✚ Бир таёкни синдирмоқ мумкин,
Қўп таёкни букиб ҳам бўлмас.

✚ Бир калима ширин сўз қилични кинга киритар.

✚ Аввал йўлдош – кейин йўл.

✚ Адоват эмас, адолат енгади.

✚ Ажал қўрқокларга баҳона.

✚ Улкан мерос доимо улкан мухолифлик туғдиради.

✚ Қудратимизга шак-шубхангиз бўлса, биз қурдирган биноларга
боқинг.

✚ Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

✚ Қилич ўткир бўлсада ўз сопини кесмагай.

✚ Оғзингга қон тўлса ҳам,
Душман олдида тупурма.

✚ Оқ бўлсанг - онт ичма.

✚ От минган – отасини унутади.

* * *

✦ Олтишга кирган отадан ош сўрама.

* * *

✦ Ота бўлмаган ота кадрили билмас.

* * *

✦ Емсиз от довон ошолмайди.

* * *

✦ Дўстлик синовда чиникади.

* * *

✦ Душмандан кўркма, мунофиқдан кўрк.

* * *

✦ Душманнинг кулгани-сирингни билгани.

* * *

✦ Вахима душманнинг йўлдоши.

* * *

✦ Вакт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

✦ Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

* * *

✦ Давлат лашкарлар фуқароларининг садоқати ва фидойилигила қудратлидир.

* * *

✦ Лочиннинг учарга мадори келмаса, чумчукка масхара.

* * *

✦ Адлу эхсон билан жахон гулшани обод бўлади.

- ↓ Бошсиз мамлакат жонсиз танага ўхшайди.

- ↓ Ишон, аммо шубҳа кил.

- ↓ Филнинг думи бўлгунча чумолининг боши бўл.

- ↓ Бир кунлик адолат юз кунлик тоат ибодатдан афзал.

- ↓ Куч – адолатдадир.

- ↓ Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан кутулиб бўлмайди.

- ↓ Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

- ↓ Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди.

- ↓ Чин дўст улдири, дўстидан ҳеч қачон ранжимади, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади.

- ↓ Агар душманнинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.

- ↓ Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар.

- ↓ Ўлдирган йирткичга қарама, ўлдириш керак бўлган йирткичга қара.

- ✚ Кимнинг акли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.

- ✚ Ҳар кимнинг кадр киммати, тутган мавқеи ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишнинг шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

- ✚ Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим, тузимни тортиб менга юмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, қўнгли бузук қўроқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

- ✚ Очик юзлилик, раҳм-шафкат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

- ✚ Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

- ✚ Кенгаш икки турли бўлур: бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қўлоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

- ✚ Чақалокларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз – гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмаган.

- ↓ Кимки бирон сахрони обод килса, ёки кориз курса ё бирон бог кўқартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод килса, биринчи йил ундан ҳеч нарса олманглар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қондага мувофиқ хирож йиғилсин.

- ↓ Малоҳидларга айтур эдим: ёлгон сўзлар билан ғазаб ўтини алангалатмангиз.

Черик тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан, йигитнинг қуч-қувватига; иккинчидан, қилични ўйната олишига; учинчидан, ақл-заковати-ю қамолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжам бўлса, навкарлик хизматиға олдим. Негаким, қуч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу ўқубатларга чидамли бўлади. Қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин.

- ↓ Пири қомил шайх Баҳоуддин Накшбанднинг: “Қам егин, қам ухла, қам гапир” деган панду насиҳатларига амал қилдим. Арқону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: “Қам енглар – очарчилик қўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, қам ухланглар – муқаммалликларга эришасизлар, қам гапиринглар доно бўласизлар”.

- ↓ Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг қўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан қамолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурларидан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурдим.

- ↓ Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларга яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим.

- ↓ Ҳар кимдан кенгаш олдим. Ҳар кимдан фикр ўргандим, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни қўнгил хазинасида сақлаб ишлата билдим.

- ↓ Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг хизматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини ўтиндим. Дарвеш, факир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим. Уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва ҳеч бир талабларини рад этмадим. Бузук ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзлағига амал қилмадим. Бирон кимсага тухмату ғийбат қилсалар қулоқ солмадим.

- ↓ Қиличим ўткир бўлса-да, ўйлаб кинидан чиқардим, ширин сўз айтиб, ғанимнинг иймон топтоғига йўл очдим.

- ↓ Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фукародан бирини уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.

Хулоса

“2010 йил – Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ёшларни маънавий юксалтириш ишларини янада кучайтиришга муҳим замин бўлди. Баркамол авлодни шакллантириш ишида асло бепарволикка, беписандликка йўл қўйиб бўлмайди. Ёшларни эркин фикрловчи, дунёдаги бўлаётган ўзгаришларга онгли муносабатда бўлиш, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, юксак ахлоқлилик руҳида тарбиялаш борасида тарихий хотиранинг, аждодларимизнинг миллий-маънавий меросларининг ўрни бекиёсдир. Буюк аждодларимизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибкирон Амир Темур бобомиз ҳақида тўхталар экан Ислоҳ Каримов, шундай дейди :“Чунки , тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.”⁷

Дарҳақиқат, Амир Темурнинг инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этувчи ғоялари, ўғитлари диққатга сазовордир. Мазкур рисола Амир Темурнинг ҳаёт йўли ва маънавий оламидан лавҳалар, одоб-ахлоқ таълим-тарбия тўғрисидаги ўғитларидан намуналар келтириш орқали ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялашга хизмат қилиш мақсадида тайёрланди.

Дарҳақиқат, маънавий илдиэларимиздан бири – бу Соҳибкирон Амир Темур маънавиятидир. Бу қудратли манба инсоният тарихида тенги йўқ марказлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларида ўрганилиб, ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳа, 27 дан ортиқ мамлакат ва элатларни забт этган улуг бобомизнинг бутун умри от устида, ур-сурлару қурашларда кечган. У умри давомида яхшилик, эзгуликдан чекинмади, мардларни улуглади, хоинларни, золимларни кечирмади, улусга зулм қилувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолади, ватан хоинларидан нафратланди. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остида бирлаштира олди. Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишда ёрдам берди. Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбияда ўзи юксакликка, мукаммалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд – насиҳатларни, шунингдек, Соҳибкирон ҳақидаги тарихий асарларни қўздан кечириб кифоя. , «Темур

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – сиғилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 44-бет.

тузуклари» буюк жохонгир ҳаётига ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида шубҳасиз алоҳида аҳамият касб этади. «Темур тузуклари» жохоннинг машҳур кутубхоналаридан жой олган қимматли асардир.

Амир Темур дин пешволари ва мусулмон руҳонийлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, ўз са-ройида пиру муршидлар, руҳоний (маънавий) устозларни сақлаганлиги ҳам диққатга сазовордир. Руҳоният намояндалари ва таникли илоҳиётчилар зиммасига Амир Темур ҳокимияти даврида масъулиятли вазифалар ҳам юкланарди. Амир Темур ўз давлати билан Миср мамлуклар султонлари ўртасида яхши қўшничилик алоқалари ўрнатишга кўп саъй-ҳаракат қилди.

Амир Темур ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳоний намояндаларига ҳар вақт хайрихоҳлик билан муносабатда бўлган. Ҳатто забт этилган мамлакатларда ҳам руҳоний раҳбарлар ҳимоя остига олиниб, қўпинча улар шахсан Амир Темур ҳузурига келтирилган — у эса уламою фузало билан мунозара юритишни ёқтирарди. Жумладан, у илоҳиётчи уламолар, файласуфлар, тарихнавислар, мунажжиму риёзиёт илими олимлари билан мунозара қиларди. У олимларни ўзи билан шундай мунозараларда бе-малол эмин-эркин суҳбат юритишга рағбатлантирарди. Агар улар Амир Те-мурда катта таассурот қолдирсалар, уларни ўз саройига ёки Самарқандга хизматга таклиф қилар эҳуд ўз мамлакатларида қолишларига бағрикенглик билан руҳсат этарди.

“Мен сифатларимнинг энг аввали деб бегаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймадим”, “Мен ҳар доим Исломга қатъий риоя қилдим ва Аллоҳ Таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим”, “Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим”, “Халойикка раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни қўқрагидан итармадим. Қуръондаги парвардигорнинг Аллоҳнинг амрига буйсуниш ва халқига шафқат қилиш даркор, деган оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим”, “Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал тангри итоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим”, “Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим” каби насиҳатлари унинг юксак ахлокий сифатларга эга инсон бўлганлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг қучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади,

уларни ҳадсиз хазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз. Бу ўз навбатида баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.Тошкент . "Маънавият", 2008 .
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., "Шарқ", 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т., "Шарқ", 1999.
4. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., "Шарқ".1997.
5. Ибн Арабшоҳ.Амир Темур тарихи., 1-2 китоблар. Т., "Меҳнат" 1992.
6. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т., "Қомуслар бош таҳририяти",1996 .
7. Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати.Т., "Маънавият" .,1999.
8. Амир Темур жаҳон тарихида. ЮНЕСКО.-Париж.,1996.
9. Темур тузуклари. Т., "Ғафур Ғулом", 1991.
10. Аҳмедов Б. Соҳибкирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). Т.,1996
11. Файзиев Т. Темурий маликалар.Т., 1994.

Мундарижа

Кириш	3
Темур маънавияти – улкан манба ва туганмас булоқ.....	5
Амир Темурнинг ҳаёт йули.....	6
Иймон-эътиқодда баркамол сиймо	10
Амир Темурнинг ўзи амал қилган сифатлар.....	16
Амир Темурнинг одоб-ахлоқ таълим-тарбия тўғрисидаги ўғитларидан намуналар.....	17
Хулоса.....	27
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	29

Мазкур рисола Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси
Институтини Услубий Кенгашининг №9 сонли мажлиси
баённомаси қарори билан чоп қилишга тавсия қилинди.

**АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИНИНГ
БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

Bichimi: 60x84 ¹/₁₆. «Virtec Times Uz» garniturasida
ofset bosma usulida bosildi. Adadi 50 nusxa. 15-son buyurtma.

«TEXNO TASVIR» bosmaxonasida chop etildi:
Buxoro shahri, Qayum Murtazoyev ko`chasi, 15-uy.
Tel:223-18-02